



## ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

ЖҮРАБОЕВ Н.Ю.,

ТДТРУ доценти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада диний бағрикенглик, динлараро муносабатлар, диний муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, диний қадриятларга муносабат, виждан эркинлиги ва диний эътиқод масалалари баён қилинган.

**Калим сўзлар:** дин, эътиқод, бағрикенглик, толерантлик, Қуръон, виждан эркинлиги, диний ташкилотлар, диний муносабатларнинг ҳуқуқий асослари.

### ABSTRACT

*This article describes the issues of religious tolerance, inter-religious relations, legal basis of religious relations, attitude to religious values, freedom of conscience and religious beliefs.*

**Key words:** religion, belief, tolerance, Koran, freedom of conscience, religious organizations, legal basis of religious relations.

### КИРИШ

Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қарататётган мамлакатдир.

Диний бағрикенглик борасида фикр юритар эканмиз, албатта бу калималарнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини тушиниб олишимиз керак бўлади. «Бағрикенглик» ("толерантлик") сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи - бағрикенглик, чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик каби маъноларга эга дейиш мумкин.

Маълумки, ҳар йили 16 ноябрь куни жаҳонда халқаро бағрикенглик (толерантлик) куни сифатида нишонланади. Шу куни 1995 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган муассасаси – ЮНЕСКОга аъзо давлатлар “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни қабул қилишди. Ушбу хужжатга кўра, бағрикенглик сиёсий-ҳуқуқий эҳтиёж бўлиб, у инсон ҳуқуқлари, плюрализм, демократия ва қонун устуворлиги таъминланишига хизмат қиласи. Глабаллашув кучайиб бораётган ҳозирги даврда динлар, айниқса, ислом динидаги бағрикенглик тамойилларини ёритиш ва ёшлар онгига сингдириш

муҳим вазифа ҳисобланади. Бинобарин, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да таъкидланганидек: “Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”. Шу маънода айтганда, диний бағрикенглик ғояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ҳамда ҳамжиҳат бўлиб яшашини, толерантлик эса чидамлилик, сабртоқатлилик, бардошлилик, келишувчанлик, қайишқоқлик, очиқ кўнгиллик, кенгфеъллик, шу билан бирга “бирлик — хилма-хилликда” принципининг кенг миқёсда амалга ошишини англатади.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистонга уруш учоқларидан ота онасидан етим қолган минглаб болалар олиб келинди. Аслида Ўзбекистондаги аҳвол ҳам уруш сабаб жуда оғир бўлишига қарамай болажон ўзбек халқи бу етимларни қучоқ очиб кутиб олди ва энг охирги бурда нонини бирга баҳам кўрди. Болалар ўзбек оиласидан тарбияланиб улғайди ва ўқиб жамиятда турли касб ҳунар эгаларига айланди.

Ўзбекистонга уруш йилларида олиб келинган етим болалар ичida турли хил миллат ва хатто немис болалари ҳам бор эди. Бағрикенг ўзбек халқи бу болаларга ўзини боласидек меҳр кўрсатди. Шу сабабдан бўлса керак, бу болалар ўзбек халқига ва Ўзбекистонга садоқат билан хизмат қилишди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозир ҳам юртимизда 130дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари ва 16 ҳил диний канфесияга мансуб халқлар тинч ва осойишта хаёт кечирмоқда. Ўзбек халқининг бундай бағрикенглиги ва шу каби инсоний фазилатлари муқаддас динимизнинг маънавий булоқларидан сугорилган бўлса, ҳукуқий пойдевори эса қонунларимиз билан кафолатлангандир. Буни исботи ўлароқ республикамиз Президенти топшириғи билан беш марта “Мехр” инсонпарварлик миссиясини ўtkазилди. Унинг доирасида 530 нафардан зиёд фуқаролар, аввало, аёллар ва болаларни Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли низолар худудларидан юртимизга қайтарилди.

Бош қомусимизда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари миллати, тили, эътиқоди, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар Ўзбекистон ҳалқини ташкил қилиши ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, эътиқод эркинлиги мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра:”Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва

кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт"- деб қайд этилган. Асосий қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатимизда инсонларнинг виждан ва эътиқод эркинлиги таъминланишининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз - халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Мамлакатимизда истеъқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўкув юртлари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда барча миллат вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратилгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани бу борадаги фаолиятнинг яққол далилидир. Мустақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжидлар, черковлар, синагога ва ибодат уйлари қурилди ва қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги "Ҳазрати Имом" мажмуи, вилоят марказларидағи жомеъ масжидлар, Тошкентдаги Рус православ черковлари, шунингдек, буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови, Корақалпоғистон Республикасидаги "Султан Вайсбобо" ва "Мұхаммад Норимжоний" зиёратгоҳлари, "Пантейлемон" черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.. Буларнинг барчаси динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг кўринишидир.

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида:"Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди". - деб белгиланган. Ушбу моддани амалга ошириш механизми 1998 йил 1 майда қабул қилинган "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ти Қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, Виждан эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қиласликдан иборат кафолатланган

конституциявий хуқуқидир. 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти Қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий хуқуқидир. Шунингдек, Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги хуқуқига эга, бу хуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат ибодат қилишда ва диний расмруsum ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб белгиланган. БМТ томонидан динлараро бағрикенглик ғоясини бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида 2011 йилнинг 1-7 февраль кунларини бутун жаҳонда “Динлараро муносабатлар уйғулиги бутунжаҳон ҳафталиги” деб эълон қилган.

Халқимиз бир неча асрдан буён эътиқод қилиб келаётган ва миллийлигимизнинг бир бўлагига айланган ислом динида бағрикенглик масалалари ваҳий бошланишининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Жаҳон динларининг ичида фақат ислом динида эътиқод эркинлиги очик-ойдин эълон қилинган. Куръони каримда “Бақара” сурасининг 256-оятида “Динда зўрлаш йўқ” – дейилган. Куръони каримда бошқа пайғамбарларга нисбатан бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда муомалада бўлиш очик-равshan баён этилган.

Сўнгги пайларда айрим мамлакатларда кўзга ташланा�ётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида гапирап экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан туриб (2023 йил, 19-сентябрь, 78-сессия) жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулокот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш, шунингдек, 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзуусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларнинг пайдо бўлаётганлиги дўстлик ва ҳамжиҳатлик қўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Янги таҳрири). – Т., 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. – <https://sputniknews.uz/>
3. Ислом энциклопедияси. - “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” илмий нашриёти. Т., 2017 й.
4. Қуръони карим (маъноларининг таржимаси). – Т., 2001 й.
5. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинганд. - <https://constitution.uz/>